

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 9 Jild 4

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 9 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

<i>Xaynazarov Baxromjon Baxtiyorovich</i>	
RIVOJLANGAN O'RTA ASRLARDA PIRENEY YARIM OROLIDAGI KORTESLARNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI .....	10-14
<i>Azizbek Xolliyev</i>	
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA ROSSIYA TOG'-KON SANOATIDA BRITANIYA SARMOYASINING TUTGAN O'RNI .....	15-20
<i>Mahkamov Abdiqayum Mahkamovich</i>	
SUDYALAR OLIY KENGASHINING SUDYALAR KORPUSINI SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI (TARIXIY TAHLIL) .....	21-25
<i>Eshimov Shaxridin Xujayorovich</i>	
SUD – HUQUQ TIZIMIDAGI TARG'IBOTCHILIK FAOLIYATI VA MA'NAVIY – MA'RIFIY ISHLAR (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) .....	26-31
<i>Намазова Умидা Нормурадовна</i>	
ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУФДДА НИКОҲ: ШАКЛЛАНИШИ, ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ .....	32-41
<i>Самадов Искандар Исматович</i>	
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (XXCP)ДА ЕР-СУВ МАСАЛАСИ .....	42-48
<i>Rustamova Madina Musoqulovna</i>	
SAMARQAND VILOYATI XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN, TA'LIM VA INNOVATSIYALARGA QO'SHGAN HISSASI .....	49-56
<i>Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna</i>	
SOVET DAVRIDA KITOБ TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA AMALIYOTLARI... ..	57-64
<i>Tursunov Javlonek Akrom o'g'li</i>	
MUQADDAS QADAMJOLAR. SAMARQAND SHAHRINING TARIXIY TOPONOMIYASINING MUHIM TARKIBIY QISMI .....	65-68

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

<i>Tolipova Baxtigul</i>	
MAMLAKAT OZIQ-OVQAT SANOATIGA YO'NALTIRILGAN INVESTISIYALARING EKONOMETRIK TAHLILI .....	69-77
<i>Mamanazarov Abdusamat Abdusaitovich</i>	
O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA PUL-KREDIT SIYOSATI KO'RSATKICHLARI TAHLILI ....	78-83
<i>Амбарцумян Анастас Алексеевич, Хасанова Руфина Раисовна</i>	
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....	84-96
<i>Meliyeva Nargiza Eshboyevna</i>	
INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA RIVOJLANGAN DAVLATLARING TAJRIBASI ....	97-104

<i>Исраилов Рустам Ибрагимович</i> КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	105-109
<i>Jumaniyazov Inomjon To'raevich</i> APPLICATION OF ESG PRINCIPLES IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN INVESTMENT FUNDS .....	110-120
<i>Amonov Navro'zxon Saloxiddin o'g'li</i> MINAQAVIY MEHNAT BOZORIDAGI ISHCHI KUCHIGA TALAB VA TAKLIFNI ISTIQBOLLASHTIRISH YO'LLARI .....	121-129
<i>Mirxamidova Zahinabonu Mirxamid qizi</i> ROBOTLASHTIRISH DAVRIDA MEHNAT BOZORINING O'ZGARISHI: TO'RTINCHI SANOAT INQILOBI MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI.....	130-138
<i>Kalbayev Muratbay Aytbaevich</i> AYLANMA MABLAG'LARNI TAHLIL QILISH METODOLOGIYASI .....	139-144
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Ernazarova Yorqinoy Ollaberganova</i> RIVOJLANGAN DAVLATLARDA KADRLAR XIZMATINI TASHKIL ETISH: ODOB-AXLOQ QOIDALARI VA KASBIY MADANIYAT TALABLARIGA RIOYA ETILISHINI TA'MINLASH MEXANIZMLARI .....	145-155
<i>Ahrorova Shahlo O'rinoiboyevna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY QADRIYATLARNING TAKOMILLASHUVI JARAYONI .....	156-161
<i>Рахманов Баҳодир</i> АЛИШЕР НАВОЙЙ КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПСИЯСИДА СИНЕРГЕТИК ФОЯЛAR ИН'ИКОСИ .....	162-170
<i>Нуралиева Насиба Ахмадкуловна</i> ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	171-176
<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Fayzulloyev Otabek Muhamadovich</i> KATTALAR FOLKLORINING TARKIBIY QISMI – BOLALAR FOLKLORI HAQIDA.....	177-184
<i>Токимбетова Гулбахор Абатбаевна</i> ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚ АДАВИЁТШУНОСЛИГИДА ИРФОНИЙ ОБРАЗЛАР .....	185-190
<i>Yusupova Sadokat Aljon qizi</i> “BOBURNOMA”NING YAPONIYADA O'RGANILISHI .....	191-197
<i>Xudoyberdiyeva Gulmira Allaberdi qizi</i> JAHON TILSHUNOSLIGIDA POLISEMIYA HODISASIGA LINGVISTIK YONDASHUV (RUS VA INGLIZ TILSHUNOSLIGI MISOLIDA) .....	198-201
<i>Tangriyev Valisher Azamovich</i> SOMATIK IFODALAR ORQALI BERILGAN PARALINGVISTIK VOSITALARNING QIYOSIY TADQIQI: “ANOR” HIKOYASI MISOLIDA .....	202-206

*Abulova Zilola Azimovna*

- INGLIZ AFORIZMLARINING TARKIBIDA BIR JUMLA HAMDA QO'SHMA GAPLAR BILAN  
IFODALANGAN AFORIZMLAR XUSUSIYATLARI ..... 207-201

*Qurbanova Dilnoza Olimovna*

- TYPES AND FUNCTIONS OF ADVERTISEMENT IN ENGLISH AND UZBEK ..... 210-216

*Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi*

- ASQAR MAHKAM IJODIDA BUVI OBRAZINING O'ZIGA XOSLIGI ..... 217-221

*Babajanova Aziza Rustamovna*

- ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATIDA BAHOR MAVZUSINING BADIY TALQINI ..... 222-227

*Khursanova Laylo Bakhtiyarovna*

- REPRESENTATION OF THE CONCEPT OF "PATIENCE" IN SPECIAL ENGLISH  
DICTIONARIES ..... 228-232

*Diyorova Mohlaroyim Xamza qizi*

- O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SIFAT SO'Z TURKUMI TADQIQI ..... 233-238

*Samadova Visola Baxtiyor qizi*

- INGLIZ, O'ZBEK VA RUS TILLARIDA ANTONIM KOMPONENTLI FE'L FRAZEOLOGIK  
BIRLIKLARLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI ..... 239-242

## **12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

*Tўlaganova Gulchexra Zakhitovna, Goфurova Dilafruz Murod қизи*

- АЭЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ  
РЕЖАЛАШТИРИШ, ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА ВЕРСИЯЛАРНИ  
ИЛГАРИ СУРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 243-252

*Tosheva Maftuna Anvar qizi*

- INSON A'ZOLARI VA TO'QIMALALARINING TRANSPLANTATSIYASI BILAN  
BOG'LIQ JINOYATLAR ..... 253-262

*Ikramov Sherzod Raximjanovich*

- VOYAGA YETMAGAN SHAXSLARNI MODDIY TA'MINLASHDAN BO'YIN TOVLASHNING O'ZIGA  
XOS XUSUSIYATLARI ..... 263-266

## **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Tohirova Mohigul Umir qizi*

- KO'RISHDA NUQSONI BOR SHAXSLARNING IJTIMOIY UMIDSIZLIK DARAJASINI PSIXOLOGIK  
O'RGANISH. (L.I.VASSERMANNING "IJTIMOIY FRUSTRATSIIA (UMIDSIZLIK) DARAJASINI  
DIAGNOSTIKA QILISH METODOLOGIYASI" ASOSIDA) ..... 267-274

*Nasriddinov Dadaxon Komiljonovich*

- OLIY HARBIY TA'LIMDA FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI MOBIL ILOVALAR VA  
ROBOTOTEXNIKA ELEMENTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN OLIB  
BORILGAN PEDAGOGIK TAJRIBASINOV ISHLARI VA ULARNING NATIJALARI ..... 275-281

*Xojaniyazova Inkar Jumanazarovna*

- BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISH  
IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISH MASALALARI ..... 282-292

*Ashurova Marhabo Sayfulloyevna*

- BUXORO JADIDLARI VA YANGI USUL MAKTABALARIDA O'QITISH IMKONIYATLARI .... 293-301

<i>Алимова Нигора Исраиловна</i>	
ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА В ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ, НАХОДЯЩИХСЯ НА ДЛИТЕЛЬНОМ ЛЕЧЕНИИ .....	302-308
<i>Mamajonova Gulnoza Karimovna</i>	
IJTIMOIY FANLARNI TEXNIKA YO'NALISHI TALABALARIGA O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI .....	309-313
<i>Axmadjanova Madina Maxmudjon qizi</i>	
GRAMMATIK MINIMUM VA UNI O'QITISH METODLARI .....	314-319
<i>Norboyev Zafar Abdumuminovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA CEFR ME'ZONLARI ASOSIDA YANGI AVLOD DARSLIKLARINI YARATISH TEKNOLOGIYALARI .....	320-323
<i>Axmedova Zuxraxon Tulyanbayevna</i>	
QO'L TO'PI O'YININING JISMONIY JIHATDAN O'QUVCHILARNING O'QISHNI TUSHUNISHLARIGA TA'SIRI .....	324-329
<i>Юсупова Заррина Курбоновна</i>	
УНИКАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ВЫЗОВЫ В РАЗВИТИИ ЦИФРОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ .....	330-334
<i>Ravshanova Xafiza Komilovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA TANQIDIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY ASOSLARI .....	335-340
<i>Nurbayeva Xolniso Uralovna</i>	
GENDER STREOTIPLAR GENDER MADANIYATNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA .....	341-345
<i>Samatova Shohsanam Xolmuhammad qizi</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TIZIMLI FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH MUHIM PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA .....	346-351
<i>Mustayeva Guliston Bo'ribo耶evna</i>	
TIBBIY TA'LIMDA AKS ETTIRISH AMALIYOTINING AHAMIYATI: UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA KO'MAKLASHISH .....	348-356
<i>Ahmedbekova Maxpuzaxon</i>	
TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILAR BILIMINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK VA INNOVATSION JIHATLARI .....	357-362
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
ARTIFICIAL INTELLIGENCE IMPACT ON HIGHER EDUCATION QUALITY AND EFFICIENCY .....	363-388
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
BOSHLANGICH SINF O'QUVCHILARIDA MATEMATIKA FANI ORQALI TANQIDIY-TAHLILIY HAMDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	389-393
<i>Maxliyo Qalandarova</i>	
UMUMTA'LIM MAKTABALARIDA MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCILARNING MOLIYAVIY SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISH SHAKLLARI VA USULLARI.....	394-399

**Received:** 30 August 2024

**Accepted:** 5 September 2024

**Published:** 15 September 2024

*Article / Original Paper*

## MYSTICAL IMAGES IN UZBEK-KARAKALPAK LITERATURE

**Tokymbetova Gulbakhor Abatbaevna**

Ph.D., docent of the Department, Karakalpak literature, KSU named after Berdak  
[gulbaxartokimbetova@gmail.com](mailto:gulbaxartokimbetova@gmail.com)

**Abstract.** This article examines the philosophical views described in the uzbek-karakalpak lyrics, studying them as a separate direction, elucidating the issues of reclassification of classical poets' lyrics, which are characteristic of religious-philosophical essence, mainly based on the theme of the creation of society and the world, and their relation to Islam and Sufism in our classical literature. Also, social, mystical, political and ethical-aesthetic views of classical poets are studied in these studies.

**Key words:** classic literature, religious-philosophical, mysticism, classification, moral-spiritual culture, ethical-aesthetic views, logic, artistic interpretation, didactic genre.

## ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ИРФОНИЙ ОБРАЗЛАР

**Токимбетова Гулбахор Абатбаевна**

Қорақалпоқ давлат университети, Қорақалпоқ адабиёти кафедраси доценти, PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек-қорақалпоқ лирикасида тасвирланган фалсафий қарашларга изоҳ берган ҳолда уни алоҳида йўналиш сифатида ўрганиш, жанрий хусусиятларини ёритиш каби тадқиқотлар ўрганилади. Мумтоз шоирларнинг диний-фалсафий моҳиятга хос бўлган лирикаси, асосан, жамият ва оламнинг яратилиши мавзусига асосланганлиги ва мумтоз адабиётимиздаги исломга, тасаввуфга нисбатан муносабатини янгидан тасниф қилиш масалаларини ёритиш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда мумтоз шоирларининг ижтимоий, тасаввуфий, сиёсий ҳамда этик-эстетик қарашлари тадқиқ этилади.

**Калит сўзлар:** мумтоз адабиёт, диний-фалсафий, тасаввуф, тасниф, ахлоқий-маънавий маданият, этик-эстетик қарашлар, мантиқ, бадиий талқин, дидактик жанр.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I9Y2024N24>

**Кириш.** Мустақиллик йилларида адабиёт ва тасаввуф масалаларини ўзаро уйғунлиқда тадқиқ этишга қизиқиши ортиб борган ҳолда бир қанча эътиборли илмий тадқиқотлар юзага келди. Бу борада, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, Ҳ.Ҳомидий, И.Ҳаққул, А.Абдуқодиров, И.Сувонқулов, Д.Салоҳий, Б.Тўхлиев, Н.Жумахўжа, Г.Наврўзова, С.Олим, С.Рафиддинов, Э.Очилов, У.Қобилов каби олимлар илмий асарларида ислом таълимоти ва тасаввуф фалсафаси асрлар мобайнида миллий сўз санъатимизнинг ғоявий-назарий, ахлоқий-маънавий асоси бўлиб келганлиги, ҳатто, мумтоз адабиётимизни исломга, тасаввуфга нисбатан муносабатини янгидан тасниф қилиш зарурати пайдо бўлгани, шу тариқа комил инсон ғояси ҳар томонлама бадиий талқин ва тарғиб этилгани маълум даражада ёритилган.

Шарқ мамлакатларида, айниқса, IX –XI асрларда арқазий Осиёда маданият, илм-фан ва фалсафанинг юксак ривожланиши учун қулай тарихий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароит вужудга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиёда араб истилосидан кейинги миллий маданият араблар ва исломни қабул қилган мамлакатлар маданияти синтези натижасида вужудга келган. Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафа, ахлоқ соҳасидаги назарий мерослари умуминсоний маданиятга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Уларнинг фалсафий қарашлар тараққиёти, шунингдек, давлат, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатлари, ахлоқий синтетик қарашларнинг ривожланишига ислом дини ўз таъсирини кўрсатди. Уларнинг ахлоқий таълимотларида инсон энг буюк зот, деб баҳоланади. Бу мутафаккирлар ҳамма нарсанинг қадр-қимматини инсонийлик билан белгиладилар ва инсонпарварлик ғоялари ахлоқий тизимда юқори босқичга кўтарилди. Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси араб мамлакатларида фан ва маданиятнинг тез ривожланиши натижасида табиатшунослик, мантиқ, фалсафа каби фанлар тараққий этган ҳолда уйғониш даврини бошдан кечираётган давр, ўша замон маънавий маданияти таъсирида шаклланди.

Марказий Осиё халқлари таълимотлар тараққиёти тарихини ўрганишда “Қалила ва Димна”, “Минг бир кеча”, Юсуф Хос Хожибининг “Кутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хибат ул-хақойиқ”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисан ут-тайр” каби асарлар зарурӣ манба сифатида хизмат қиласди. Марказий Осиё маънавий маданияти, фалсафий, ахлоқий қарашларнинг ривожланиш тарихида Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий муҳим ўрин эгаллади. Шу минтақада яшаб ижод этган Фирдавсий, Рудакий каби шоирлар ижодида ҳам муҳим ахлоқий ғоялар илгари сурилди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Фаробий «Баҳт-саодатга эришув ҳақида», «Фозил одамлар шаҳри» ва бошқа асарларида ижтимоий ҳаёт масалалари билан фозиллар шаҳрида яшовчи халқнинг ахлоқий мезон, ўзора муносабатларини батафсил баён этади. Фаробий инсон ва жамиятни таърифлашда ақл ва одоб ўзаро алоқадорлиги тамоилига амал қиласди. Фаробий инсоний фазилатларни тўртга бўлади, яъни назарий ва амалий санъат (касб-хунар) фазилатлари. Инсон бу фазилатлар ёрдамида баҳт саодатга эришади [1; 186-187].

Марказий Осиё халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашлари кейинги асрларда XIX аср охири – XX аср бошларидағи ўзбек мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари бу соҳадаги тараққиётда муҳим босқичдир.

Ё.Исҳоқов эса Навоий лирикасидаги ҳамд ва наътлар услубий жиҳатдан бир-биридан ажralиб туришини тўғри қайд этади: “Навоийнинг ишқий лирикасида анъанавий руҳдаги бир қатор шеърлар мавжудки, улар ҳамд ёки наът сифатида (девоннинг ҳамда ҳар бир ҳарфнинг бошланишида) маҳсус ёзилган бўлиб, ўз услуби билан ажralиб туради”. Профессор Б.Саримсоқов “Тахаллус” мақоласида шоирнинг “Билан санга” радифли наът ғазалини таҳлилга тортиб, унинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Ғаройиб ус-сифар” девонларидағи нусхалари билан қиёсий ўрганганди. О.Сафарова “Ҳазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар” номи остида Навоий “Чор девон”идаги наът ғазаллар талқини бошқа адабиётлар учун ҳам асос бўлиши мумкин [2;8].

Навоийнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озиқланган бўлиб, унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган. Шуни айтиш ўринлики, ҳазрат Навоий “Хайрат ул-аброр” достонида тасаввуф фалсафасидаги ахлоқий қоидалар, инсонпарварлик ва одамийлик, нафсни тийиш, адолат ва маърифат, табиат ва инсонни севиш, уларни эъзозлаш, таълим-тарбия тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Бу ғоялар мутафаккирнинг бошқа ғазал ва рубоийлари, достонлари, насрой асарларига ҳам хосдир. Адабиётшунос И.Ҳаққул таъкидлаганидек, “Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади – шахс ва миллат тақдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди” [3;27].

**Тадқиқот методологияси.** XIX аср қорақалпоқ лирикасида тасвиirlанган фалсафий қарашларга изоҳ берган ҳолда уни алоҳида йўналиш сифатида ўрганиш, жанрий хусусиятларини ёритиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу маънода, мумтоз ижодкорларининг “фалсафий лирика” атамасини қўллаш мақсалга мувофиқ келади. Улардан, К.Қудайбергеновнинг “Бердақнинг дунёқараси” монографияси, Қ.Жаримбетовтнинг “Бердақ насиҳатлари – бизнинг маънавий хазинамиз, М.Якубовнинг “Бердақнинг оламни фалсафий идрок этиши”, У.Қудайбергеновнинг “Ажиниёзнинг эстетик қарашлари” мақолаларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мазкур тадқиқотларда Ажиниёз ва Бердақнинг ижтимоий, тасаввуфий, сиёсий ҳамда этик-эстетик қарашлари тадқиқ этилади.

**Таҳлил ва натижалар.** XIX аср қорақалпоқ шоирлари ижодида фалсафий лирика кўп учрайди. Шу даврда яшаб ижод этган шоирларнинг мазкур жанрга мансуб асарларида оламнинг яратилиши ҳамда инсон умри моҳияти ҳақида баҳс юритилади. Худди шундай фалсафий ғоялар Кунжўжа, Ажиниёз, Бердақ асарларида маҳорат билан тасвиirlанганини кузатамиз. Хусусан, Бердақнинг “Жаз келурми” (“Ёз келурми”) шеърида:

Денгиз суви аччиқ ва туз,  
Кўш чиқмайин иш бўлди муз,  
Баҳор ўтмай босарми куз,  
Бизга ахир ёз келурми?

Булут босди денгиз, кўлни,  
Кўриб бўлмас ўнгу сўлни,  
Эл кўчишга топмас йўлни,  
Қишлиар ўтиб ёз келурми? [4;40].

Шунингдек шоирнинг:

Гул бўлдиму, яшнолмадим,  
Оқил бўлдим, ўйлолмадим,  
Булбул бўлдим, сайролмадим,  
Ходиса оз бўлган эмас.

Қарағаймас сўгут бўлдим,

Қари эмас, йигит бўлдим,  
Тоғдан ўтган бургут бўлдим,  
Қўнар еrim бўлган эмас -

дея, лирик қаҳрамон олам, ҳаёт, давр ва замондошлар ҳақидаги фалсафий фарашлар ифодаланади. Шеърнинг етакчи ғоявий-мавзувий ўзаги фалсафий фикрлар асосига қурилади. Лирик қаҳрамон қалб кечинмаларини воқеликда юз бераётган ҳодисалар билан алоқадорликда муносабат билдиради. Негаки, қиёлаш ва таққослаш фалсафий тафаккурнинг асоси, чунки, шу орқали шоир яшаган давр, ҳаётий ҳодисалар диалектикаси ёритилади. Шоир асарларининг фалсафий моҳияти шеър воқелиги жараёнида тасвирланган. Шу маънода, филология фанлари номзоди Зияда Қожиқбаева шоирнинг “Бердақижодида публицистик пафос” мавзусидаги мақоласида “Болған емес” (“Бўлган эмас”) шеърини таҳлил қиласкан, “Ўз даврининг ҳаққоний аҳволи, жамият ҳаёти, инсонлар яшаш шароитини шоир реал тасвирлайди” [5;62], - дея таъкидлаб, уни шоир ижодидаги публицистик пафос сифатида баҳолайди.

Тарихдан маълумки, умумийнсоний қадриятлар таърифланган унинг хуқуки, эркинлиги, фаровон ҳаёти, ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти биринчи ўринда туради. Шундай экан, жамиятнинг ўзаро тенглигини ифодаловчи белгиси – адолат ғояси. Бердақ шундай ғояларни тасвирлашда фалсафий мулоҳаза юритади, уларни бадиий акс эттиришда халқ тилидан мурожаат қиласди. Шоирнинг “Көринди” (“Кўринди”) шеърида шундай сатрлар мавжуд:

Ёрқанот учади, қизил, пари йўқ,  
Пари йўқ, кори йўқ ё хунари йўқ,  
Совуқда учолмас, ҳолу сабри йўқ,  
Ёз қиши каби кўп дилозор кўринди

деган фалсафий дунёқарашларда одамлар орасидаги ўзаро нифоқ, турмуш қарама-қаршиликлари реал тасвирланади. Кўринадики, инсон қисмати, баҳти шоирларни доимоий ташвишга солиб келган масалалардир. Бердақнинг “Дунъяға шыққан соң бақтың ашылса” (“Дунёга келгач, баҳтинг очилса”) ёки Ажиниёзнинг “Шад болып дәўран сүриүге, Эжиниязға заман керек” (“Шодиёна даврон суришга, Ажиниёзга замон керак”) шеъри бу фикримизга исбот бўлади. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирларининг талқин этишича инсон, аввало, шахсий ҳаёти, рисқ-насибасига эга бўлиши керак. Шундагина, у маънавий ва моддий томондан мустақил ҳис қиласди, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади.

XIX аср қорақалпоқ лирикасининг жанрий хусусиятлари ва тарихий тараққиётни ўрганган олим Қ.Жаримбетов тадқиқотларида “Инсон шахсининг жамиятдаги ўрни, аксарият, унинг моддий аҳволи билан ўлчанадиганлигини буюк шоирлар реал ифода қиласди” [6;86], - дея Бердақнинг бир қанча шеърларидан бунга мисоллар келтиради. Дарҳақиқат, XIX аср қорақалпоқ шоирларининг фалсафий шеърларининг кўпчилиги инсон тақдирни, унинг ҳаёти, турмуш ташвишлари, ижтимоий аҳволи билан алоқадорликда бадиий баҳолаш асосий ўринга чиқади. Шунинг учун ҳам файласуф олим Марат Ниязимбетов ўзининг “Бердақ дунёқарашида инсонни ижтимоий ижтимоий ориентациялаш масаласи” мақоласида: “Бердақ дунёқарашларида асосий ўрин эгаллаган Инсон муаммоси мураккаб, полиструктуравий масала бўлиб, полипарадигмик алоқада ўрганишни талаб қиласди. Шунга кўра, М.Ниязимбетов Бердақнинг фалсафий моҳиятга эга шеърларини айни шу йўналишга хос равишда таҳлил қилиш шоир

асарларини англашимизда методологик қурол сифатида катта аҳамият эга, дея ҳисоблаб, шундай хулосага келади: “Инсон шахсини камолотга йўналтириш структураси кўп компонентли бўлиб, қадриятлар ва унга нисбатан муносабатлардаги хулқ-авторни ўз ичига олади. Инсон ижтимоий моделини шу структурада қараганда, Бердақ тафаккурида марказий ўринни ташкил этувчи ирнсон муаммосини фалсафий таҳлил этиш шоирни англашимизда мотодологик қурол сифатида катта аҳамият касб этади” [7:84]. Шунинг учун ҳам XIX аср қорақалпоқ шоирлари Кунхўжанинг “Орақшылар” (“Ўроқчилар”), “Шопанлар”, (“Чўпонлар”) “Жетимниң ҳақын жеп қойма” (“Етимнинг ҳаққини еб қўйманг”), Бердақнинг “Жақсырақ” (“Яхшироқ”), Ўтешнинг “Шерменде” (“Шарманда”), Ажиниёзнинг “Бозатаў” (“Бўзатов”), “Көрин” (“Кўринг”) каби шеърларида юқоридаги фикрларнинг ёрқин исботини кузатамиз.

Қорақалпоқ шоирларининг дидактик жанрларга мурожаат қилишида, унинг тараққиётiga маънавий озиқ ва руҳий асос манбалар мавжуд. Булар биринчи навбатда, ислом ақидалари, ислом фалсафаси, мусулмончилик фарзи ва суннатлари, мусулмонларнинг ҳаётда риоя этиши шарт бўлган диний-хукуқий мезонлар мажмуи – “Шариат” қоидаларига амал қилишидир. Юқорида келтирилган мисолларда Бердақ билан Ажиниёз ўзларининг панд-насиҳатлари умумдидактик ғояларини ифодалашида, биринчи навбатда, қайд этилган манбаларга таянишида кўринади. Уларда лирик қаҳрамон подшога, бойларга, қози ва бошқа амалдорларга ҳам бўйсунмайди, улар тожу таҳт, бойлик куч-кудратини тан олмайди. Унинг эътиқод қиласиган якка-ю ёлғиз қудрати – Ҳақ йўли, амал қиласиган қоидалари – шариат низомлари. Шу маънода, лирик қаҳрамон жамиятдаги кучли қатламлар олдида ҳақиқатни айтишдан, уларга тўғри, яъни Ҳақ йўлини кўрсатишдан тўхтамайди, аксинча, буни ўзининг мусулмонлик бурчи ва фарзи деб билади. Демак, Бердақ ва унга замондош шоирлар ўз асарларининг яратилишида маънавий озиқ олган ягона чашмаси ва асосий таянчи – шариат йўли, мусулмончилик амалларидир. Шариат ғояларини ўз асарларида тасвирлаш орқали Бердақ умуминсоний ғояларни тараннум қиласида”.

Бердақ ўзининг “Пана” (“Паноҳ бер”) шеърида тобора ёмонлашиб бораётган бу замонда яшаш, ниҳоятда оғирлашганлигини таъкидлаб, Аллоҳдан паноҳ тилайди, фаровон турмуш кечириш йўлини кўрсатувчи дон ҳукмдор беришини сўрайди:

Раҳм айлагин сен ўзимга,  
Кўзларинг тушсин кўзимга,  
Кулок солиб бу сўзимга,  
Кувват бер энди, бер энди.

Шеърдаги бу хулосалар лирик қаҳрамоннинг асосий ғоясини ифода қиласи. У халқ учун туғилган мард инсон, унинг ривожланишида ҳеч нарсадан тап тортмайди. Демак, муаллифнинг мазкур шеъри бош ғояси – ўзи яшаган жамият учун фаровон юрт ва унга лойиқ сардор излаш билан характерланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса тарзида айтганда, Бердақ лирикасига мансуб қайсиdir шеърни кузатмайлик, унда фалсафий ғоялар устунлик қилишини англаймиз. Шоир яшаган давр эса, бу ғояларни англаб етишдан мутлақо йироқ эди. Шунинг учун ҳам шоир ҳар бир шеърида ўзига хос замон, жамият излайди. Шу маънода, Бердақ фалсафий лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари юзасидан қўйидаги хулосаларга келдик.

1. Шоирнинг диний-фалсафий моҳиятга хос бўлган лирикаси, асосан, жамият ва оламнинг яратилиши мавзусига асосланган.

2. Диний-фалсафий қарашлар асосида яратилган шеърларда шоир ўзи яшаган жамият ва уни бошқараётган мансабдорлар характерини ёритишида ўзи бадиий салоҳиятини намоён этади.

3. Ижтимоий фалсафага асосланган шеърларда халқ ҳаётининг оғир аҳволи, замон нопоклиги каби масалаларга бадиий муносабат билдирилади.

Умумлаштириб айтганда, XIX аср қорақалпоқ шеъриятида халқ ҳаётини ҳар томонлама қамраб олган ҳолда уларнинг орзу армонлари, ижтимоий муносабатлари, тарихини бадиий ифода қилишда ижодкорларга исломий ва фалсафий қарашлар асосий, ўзак манба бўлгани шубҳасиз. Шунинг учун XIX аср қорақалпоқ шеъриятида фалсафий лирика алоҳида ўрин эгаллайди.

XIX аср қорақалпоқ шоирлари ижодида, биринчидан, лирикада халқнинг фалсафий ғоялари, даврга нисбатан муносабати, этик-эстетик қарашлари ифодаланган. Иккинчидан, шоирлар ижодида одам ва олам, дунё ва жамият муносабатлари ҳақида исломий қарашлар етакчилиги кузатилади.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Абу Наср Фаробий, Фозил одамлар шахри. – Т., 1993. – Б. 186-187.
2. Гафорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили: Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б. 8.
3. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007. – Б. 27.
4. Бердақ. Сайланма. Шеърлар ва достон. – Тошкент, 1978. – Б. 40.
5. Бердақ дўньясы. Илимий-публицистикалық мақалалар. – Нөқис: Әмиүдәръя китапханасы, 2008. – Б.62.
6. Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. – Нөқис: Билим, 2004. – Б. 86.
7. Ниязымбетов М. Бердақтың дўньяға көзқарасында адамды социаллық ориентациялаў мәселеси // Бердақ дўньясы. Илимий-публицистикалық мақалалар. – Нөқис: Әмиүдәръя китапханасы, 2008. –Б. 84.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**Nº 9 (4) – 2024**

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
маъсулити чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).